
“Давлат хизматчиси кутубхонада бир кун” лойиҳаси ташкилланди

Ўзбекистон туманидаги ахборот-кутубхона марказида “Давлат хизматчиси кутубхонада бир кун” лойиҳаси бўлиб ўтди. Фарғона тажрибаси асосидаги эзгу лойиҳа туман ҳокимлиги ва маънавият ва маърифат маркази бўлинмаси ҳамкорлигида ташкилланди.

Унда тумандаги давлат муассасалари хизматчилари ва туман Кенгаши депутатлари иштирок этди. Кутубхонага аъзо бўлган давлат хизматчилари лойиҳа доирасидаги акцияларда фаол иштирок этдилар.

Лойиҳадан кўзланган мақсад давлат хизматчилари ўртасида касбий малака ва кўникмаларни доимий равишда ривожлантириб бориш, китобхонликка жалб қилиш, уларнинг орасида мутолаа маданиятини ошириш ҳамда ахборот-кутубхона муассасалари билан ҳамкорлигини мустаҳкамлашдан иборат.

2025-01-22 09:06:05